

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Худайбергенова Замира Ысқақовна,
Нукус ДПИ 13.00.01 – Педагогика назарияси.
Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослиги
2-босқич докторанти
Ўзбекистон, Нукус

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий педагогик кўникмаларни шакллантириш ва педагогик вазиятларга тайёрлаш ҳақида сўз этилган.

Калит сўзлар: компетенция, метод, талаба, ўқитувчи, кўникма, сифат, таълим, тарбия, вазият.

Аннотация: В данной статье речь идет о формировании профессиональных педагогических навыков и подготовке к педагогическим ситуациям будущих учителей начальных классов.

Ключевые слова: компетентность, метод, ученик, учитель, умение, качество, образование, воспитание, ситуация.

Бугунги кунда таълим тизимининг барча соҳаларида ва босқичларида таълим алувчи ёшларга сифатли билим бериш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, педагогик маҳоратни шакллантириш, ўз - ўзига бўлган ишончини ошириш ҳамда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Жамиатимизнинг ривожланишида ва келажак авлодлар таълим - тарбиясида билим берувчи илм эгалари бўлиши ўқитувчиларнинг роли катта. Чунки, ҳар қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар энг аввало билимни мактабдан бошланғич синфдан бошлайди. Педагог ўқитувчи ўз касбини севиши, ўз фани бўйича мукамал билимга эга бўлиши, туғри мулоқот қилишлари ва ҳар қандай вазиятларда ўзини - ўзи назорат қила олишлари ҳамда туғри қарор қабул қила олишлари лозим.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси кўйидаги касбий компетенцияларга эга бўлишлари керак:

- ўқув тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш;

- психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эгаллаганлик;
 - турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик;
 - ўқитиш, тарбия ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;
 - болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;
 - таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;
 - педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;
 - жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, кўп маданиятлилик муҳотида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эгаллаш;
 - касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилик;
 - касбий фаолиятда бола ҳуқуқлари туғрисидаги асосий халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти;
 - танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;
 - инклюзив таълимга қадириятли муносабатнинг таркиб топганлиги [1]
- каби компетенцияларни эгаллашлари зарур. Талаба ўз устида тинмай изланиши, педагогик сифтларни ўзида сингдириб боришлари, назарий олган билимларини педагогик амалиёт жараёнида қўллай олишлари ва ўзидаги педагогик муаммоларни ўз вақтида англай олишлари ва танқидий фикрларни туғри қабул қилган ҳолда ҳар қандай педагогик вазиятларга

туғри ечим топа олишлари касбий ривожланишда яхши самара беради. Компетенция (лот. competence – мос келиш, лойиқ) – ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида амалий вазифаларни ечиш учун аниқ вазиятларда билим ва кўникма ва қадириятларни мобилизация қилиш қобилияти. «Компетенция» тушунчасининг ўзига ҳослиги шундан иборатки, у муайян предметлар доирасида шахснинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган сифатларини (Б., К., М. + фаолият усуллари), шунингдек шахснинг йўналганлиги (мотивациялари, қийматга эга ориентир олиши), фикрнинг эгилувчанлиги, мустақиллик, иродавий сифатларини назарда тутди [2;273].

Ўқитувчилик касби энг шарафли ва маъсулиятли касбларнинг бири ҳисобланиб келажагимиз бўлган ёш авлод таълим-тарбиясида ўқитувчининг роли катта аҳамиятга эга. Чунки, ватанимиз равнақи ва ривожланиши билимли, зийрак, креатив фикрлайдиган, ўз фикрини туғри баён эта оладиган, маъсулияли етук фарзандларни тарбиялаш ва уларга билим бериш ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчи ўз касбига меҳр қуйган ҳолда ҳар доим ўз касбига ижодий ёндошуви ва креатив фикрлаши натижасида ривожланиб боради. Талаба дарс жараёнида ўқитувчи томонидан сунъий яратилган педагогик вазиятни ўрганади, анализ қилади, таҳлил қилади, ўз фикрларин эркин баён қилишни ҳамда ўз фикрини ҳимоя қилишни ўрганади, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишни ўрганади, яқка турда ва жамоавий ишлашни ўрганади. Талабада касбий кўникмаларни шакллантиришда тур хил ўйинлардан, методлардан, таълим технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Чунки, талабада олдиндан ўқитувчилик ҳиссини ўйғотиш, вазиятларга тайёрлаб боришда ўқитувчининг педагогик маҳорати катта аҳамиятга эга. Педагогик вазият педагогик жараённинг ажралмас қисми бўлиб, унинг маълум бир вақтда ва маълум шароитдаги ҳолатини тавсифлайди. Педагогик жараённи ўзаро боғлиқ ва давомли вазиятларнинг узлуксиз занжири сифатида кўриш мумкин [3].

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда педагогик вазиятларга тайёрлашда касбий кўникмаларини шакллантиришда имитация, имитацион ўйинлар, «Ишбилармонлик ўйини», Кейс-стади технологияси, «ФСМУ» технологияси, Коучинг методи, Венн диаграммаларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкиллаштириш талабаларни касбга тайёрлашда, улардаги педагогик муаммоларни аниқлашда, ўрганишда ва туғри ечим топа олишларида яхши усуллардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуниси айтиш мумкинки, бўлажак ўқитувчи билимли, заковатли, фаол, мулоҳазали, креатив фикрлайдиган, нутқ маданиятига эга, ҳар қандай педагогик вазиятни туғри баҳолай оладиган, ўз фикрини туғри ва эркин баён эта оладиган, ўз касбига доир мукаммал билимга эга компетенция талабларига жавоб бера оладиган ўқитувчилик кўникмаларини эгаллашлари муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 60110500 – Бошланғич таълим бакалавират таълим йўналишининг малака талаблари <https://jdpu.uz/wp-content/uploads/2022/12/60110500>
2. О.Мусурманова, Х.Палуанова, К.Рискулова, З.Курбаниязова. Педагогик атамалар луғоти: Ўзбек, рус, инглиз тилларида. Т.:“TURON_IQBOL”, 2019.884 б.
3. https://spiritual_culture.academic.ru/